

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoirazimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.

I shu'ba

IJTIMOIIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH
MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN “YASHIL” IQTISODIYOTGA
JADAL O‘TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO
ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT
GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К “ЗЕЛеноЙ” ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ
ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО
УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ





ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КЛАСТЕРЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Икрамов Мақсад Муратович

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация: Ушбу мақолада тўқимачилик саноатида кластерларда инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида қўшимча қиймат занжирини ҳосил қилиш, рақобатбардошлик кўрсаткичларини яхшилаш, бренд маҳсулотларини ишлаб чиқишда барқарорликни таъминлаш муҳимлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Стратегия, рақобатбардошлик, кластер, инновацион фаолият, барқарор ривожланиш, иқтисодий механизм.

Abstract: The article discusses the issues of forming a value chain based on the development of innovative activities of textile industry clusters, shows ways to improve competitiveness indicators, and the importance of ensuring sustainability in promoting the brand.

Key words: Strategy, competitiveness, cluster, innovation activity, sustainability, economic mechanism.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы формирования цепочки создания стоимости на основе развития инновационной деятельности кластеров текстильной промышленности, показаны пути улучшения показателей конкурентоспособности, важности обеспечения устойчивости в продвижении бренда.

Ключевые слова: Стратегия, конкурентоспособность, кластер, инновационная деятельность, устойчивость, экономический механизм.

КИРИШ

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида белгилаб берилган 100 та устувор мақсаддан бири – 2030 йилгача мамлакатни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар сафига қўшишдир ^[1]. Бу мақсадга эришиш борасида иқтисодийёт барқарорлигини таъминлаш, тармоқ ва соҳаларни, шу жумладан, тўқимачилик саноатини инновацион усуллар билан ривожлантириш, республикада эришилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳозирги кунда 91 млрд. АҚШ долларида қарийб 160 млрд.га ошириш вазифаси қўйилиб, аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда ^[2].

Мамлакатимиз саноатининг етакчи соҳаларига айланган тўқимачилик тармоқларида истиқболли асосий ривожланиш йўналишлари инновацион технологияларни қўллаш, маҳаллий кластерларни шакллантириш, қўшилган қиймат занжирига самарали интеграциясини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг дунё бозорида рақобатбардошлигини таъминлашда кластерларнинг инновацион фаолиятини барқарор ривожлантириш, глобал қиймат занжирини шакллантиришда маҳаллий ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш, хомашёдан тайёрлаш циклини амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида “2019-2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш Концепцияси” ишлаб чиқилган ^[3]. Ушбу қарор асосида тўқимачилик саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, қўшимча қиймат занжирини шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган пахта ип-калавалар ҳажмини тўлиқ қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажмини 7 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган ^[3].

Мамлакатда 800 дан зиёд агра-кластерлар, шу жумладан, 140 дан ортиқ пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. Аммо, давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон-



нинг жаҳон тўқимачилик ва кийим экспортидаги улуши эса атиги 0,2 фоизни ташкил этади холос. 2023 йилнинг ўн бир ойида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркибида тайёр ҳолдаги улуши 41,3 фоиз бўлган. Бу 1,2 млрд. долларлик кийим-кечак ва бошқа 626 турдаги тўқимачилик маҳсулотлари дунёнинг 63 та давлатига сотилишини англатади ^[4]. Демак, ҳали кластерлашнинг асосий мақсадлари ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш, диверсификация тизимини шакллантириш инновацион ривожланиш ва саноат 4.0 концепцияси талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Кластерлашни шакллантириш, уларнинг инновацион фаолиятини барқарор ривожлантириш, рақобатдошлигини таъминлаш борасида хорижий ва маҳаллий олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Масалан, Майкл Портер концепциясида рақобат устуворлиги манбаи тариқасида қўшимча қиймат занжири қабул қилиниб, унинг таркибига маҳсулот қийматини яратиш (харидорга нафлилиги ва корхонага фойдалилиги) киритилган. Унинг назарияси бўйича, агар корхонанинг рақобатбардош бўлмаган фаолиятини ташқи ташкилотларга аутсорсинг шаклида ўтказилиши мақсадга мувофиқ деб фикр юритилган. М. Портернинг рақобат ромби модели асосида тармоқни ривожлантиришда кластер технологияларидан фойдаланиш тавсия этилган ^[5].

“Кластер” назариясининг асосчиларидан бири Альфред Марсиалл “Иқтисодиёт фанининг принциплари” номли асарида “Ихтисослашган тармоқ-соҳалар алоҳида ҳудудларда уйғунлашади” деган фикри фаолият юритувчи субъектларнинг уч хил ҳудудий уйғунлашувини ажратишга муваффақ бўлган:

- малакавий меҳнат ресурслари мавжудлиги;
- таъминотчи ва қўшимча соҳаларнинг ўсиши;
- ҳар хил фирмаларнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги турли бўғинларга ихтимомлашувининг мавжудлигига асосланган ^[6].

Маҳаллий олимларимиздан А.Ш. Бекмуратов, Д.А. Абдиева, У.Ш. Юсупов, Б.А. Давлятов, Н.Б. Гиязова, З.А. Хакимов ва бошқалар тўқимачилик саноати кластерларининг инновацион фаолиятини барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш борасида илмий тадқиқот олиб бормоқдалар.

Масалан, А.Ш. Бекмуратов ва Янг Сон Бэ ушбу масалада илк бор чоп этган асарларида Ўзбекистон текстил саноати экспорт салоҳиятини таҳлил қилишга қаратиб, соҳага чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этиш, маҳсулотни бўйлаб бўйича саноат ҳудудий кластери моделини Корея Республикаси мисолида ишлаб чиққанлар ^[7].

Д.А. Абдиеванинг тадқиқоти “Пахта-тўқимачилик” кластерини ташкил қилган ҳолда, тўқимачилик тармоғида ишлаб чиқаришни самарали олиб боришда инфратузилманинг ўрни, уни шакллантириш, умумий меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда улар асосида экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган ^[8].

У.Ш. Юсупов тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини ошириш муаммосини ҳал этиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Унда тикув-трикотаж корхоналарида трикотаж матоларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали қўшимча ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар миқдорини, тежамкор трикотаж матони ҳамда олинадиган фойда миқдори ҳисобига эришилувчи иқтисодий самарани баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган ^[9].

Б.А. Давлятовнинг илмий тадқиқоти саноатни ривожлантиришда пахта тўқимачилик корхоналарини кластерлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришга бағишланиб, кластер тузилмаси таркибидаги амалдаги корхоналар ихтиёрида бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан ҳамкор корхоналар томонидан ижара асосида фойдаланишнинг оптимал нисбатини аниқлаш орқали кластер ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклини ташкил этиш таклифи асосланган ^[10].


Бухоро давлат университети тадқиқотчиси тўқимачилик корхоналари ривожланишида рақобат стратегияларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда маркетинг стратегияларидан кенгроқ фойдаланиш, корхонанинг ички имкониятларини мослаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ташкилий-иқтисодий механизмини тавсия қилган. Рақобат харитасини тузиш асосида тўқимачилик корхонасини ривожлантиришни, унинг барқарорлигини таъминловчи омиллар таҳлил қилинган ва рақобат стратегияси ишлаб чиқилиши асосланган ^[11].

З.А. Хакимовнинг докторлик (DSc) диссертациясида тўқимачилик кластерларини шакллантириш методологиясини такомиллаштириш ишлари назарий ва амалий асослаб берилган. Ушбу тадқиқотнинг ижобий томонларидан бири “кластер” атамасининг келиб чиқиши, миллий иқтисодиётимиздаги талқини, “саноат кластери” тушунчасини ҳудудий ва функционал мезонлар асосида ўзаро боғлиқ тизимда фаолият юритувчи, юқори технологияли ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва ўз нуфузига эга инновацион маҳсулот ёки хизматларни яратиш орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи рақобатда устувор ва қўшилган қийматни яратишни назарда тутувчи ҳамжамият тариқасида бўлишни таклиф этган ^[12].

Фикримизча, З.А. Хакимовнинг тўқимачилик саноати кластерларининг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқоти, юқорида қайд этилган олимларимиз ишларидан мажмуавий ёндашуви билан ажралиб туради. Бироқ, мазкур тадқиқот тасаввуримизда, корхоналарнинг барқарор фаолияти билан узвий боғланмаган. Чунки, кластерлашнинг мақсади синтез самарага эри-



шишдир. Бунда умумий, жумладан, тикув-трикотаж корхоналарида ҳам ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асосида рақобатбардош бўлиши, дунё бозорига фақатгина арзон нарх стратегияси билан эмас, балки сифатли, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар билан чиқиш таъминланиши зарур.



1-расм: Пахта-тўқимачилик кластерлар тизими¹

Охири даврда тўқимачилик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларига қўплаб илмий тадқиқотлар бағишланган бўлсада, кластерларнинг инновацион фаолиятини барқарор ривожлантириш масалалари ҳалигача етарли даражада ёритиб берилмаган.

1 Муаллиф ишланмиси



Масалан, барқарор ривожланиш қайси мезонлар билан ўлчанади, инновацияларнинг тўқимачилик саноатида қандай шаклда амалга оширилиши керак, маҳсулот ёки хизматларнинг таниқлилик даражаси (бренд)ни қайси услублар билан ошириш ҳамда унинг рақобатдошлигини таъминлаб беришимиз керак? Ушбу саволларга жавоб топиш, маълум қисмини ҳал этишга масалаларини ушбу мақолада кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилдик.

Албатта, биринчи навбатда, муаммони ҳал этиш учун уни тўғри тасаввур қила олишимиз, ечимларнинг оқилонасини танлаб олишимиз керак. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати устуворликлари маҳаллий хомашё базасининг мавжудлиги, фикримизча, асосан ҳукуматимиз томонидан ушбу тармоққа берилаётган эътибордан иборат. Охириги 10 йил ичида тўқимачилик саноати маҳсулотлари дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш, умумий занжирда иштирок этувчиларга манфаатдорлик тизими яратилиши шу жумладандир.


Ҳозирги кунда тўқимачилик тармоғининг аксарият маҳсулотлари хорижга экспорт қилиниб, 2030 йилга қадар уларнинг ҳажмини 7 млрд. АҚШ долларига етказиш мўлжалланган ^[1]. Аммо, ечимини кутаётган муаммолар етарлича. Уларнинг таркибига сифатли фурнитура, қўшимча қисмлар, керакли бўёқлар, янги техника ва технологияга таянган ишлаб чиқариш қувватлари, шу тармоқнинг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берувчи креатив, инновацион ва билимли кадрлар етишмаслиги асосий муаммолардан биридир. Ушбу муаммоларни ҳал этишда республикаимиздаги барча назарий ва амалий имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, кластерлар ўзаро яқин хўжалик субъектлари (етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, истеъмолчи) мажмуасидан иборат. Ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари билан бир қаторда истеъмолчилар, уларнинг хоҳиш-истаги, истеъмол маданияти ва имконияти муҳим аҳамият касб этиши эътиборга мойил. Шунинг учун, фикримизча, бизнес юритишнинг B2C шакли B2B га нисбатан мураккаб ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, истеъмолчилар хоҳиш-истаги, эҳтиёжи мунтазам равишда ўзгариб туриши, кластерлар эса фақатгина уларни қондирганидагина фойда олиши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Кластерлар имкон қадар тўлиқ занжир тизимини, яъни уруғ экишдан, то тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган босқичларни қамраб олиши зарур (1-расмга қаранг).

Расмда келтирилган мажмуа иштирокчиларининг манфаатларини ўзаро мослаштириш механизми кўп ҳолатда кластерларни ташкил қилиб, ишни олиб бориш ва раҳбарлик қилиш функциялари билан узвий боғлиқ. Фикримизча, синтез самарадорликка эришиш борасида барча бўғинлар якуний истеъмолчининг эҳтиёжини қондириш даражаси билан баҳоланиши керак.

Республикаимизда кластерлар уюшмаси ташкил этилиши шу соҳада ишлаётган бир кишидан то йирик корхоналаргача, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашмоқда. Айниқса, меъёрий ҳужжатларни юритиш, уларга амал қилиш, маҳсулотларни экспорт қилиш ва бошқа муаммоли ҳолатларнинг ечимини топиб беришмоқда. Шу сабабдан охириги йилларда тўқимачилик саноати маҳсулотлари ҳажми ошиб бормоқда (2-расмга қаранг).




2-расм: Тўқимачилик саноатининг ривожланиш тенденциялари



2023 йилнинг ярим йиллик ҳисоботида кўра, тўқимачилик маҳсулотларининг умумий саноат қисмидаги улуши 13,5 фоизни ташкил этиб, жисмоний ҳажм индекси 5,4 фоизга ошиб, ишлаб чиқариш ҳажми 33 325,4 млрд.сўмни ташкил этди.

Расмдан кўриниб турганидек, тўқимачилик саноатининг охириги беш йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми, нисбий ўзгариш ҳолати Пандемия ва ундан кейинги ҳолат ҳамда тўқимачилик соҳасида тўлиқ ишлаб чиқариш циклига ўтиш муносабати билан 2022 йил 2021 йилга нисбатан пасайиши кузатилган. Албатта, бундай кутилмаган вазиятларни олдиндан башорат қилиш, имконият доирасида моддий ва маънавий йўқотишларнинг олдини олиш муҳим. Тадқиқотларимизга кўра, фақат инновацион услублар билан бу вазифани ҳал этиш мумкин. Бунда нафақат техника ва технологияларни янгилаш, балки кўпроқ кадрлар сифатини ошириш, иқтисодий механизмини самарали шакллантиришга боғлиқдир. Тўқимачилик саноатининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда биз тўқимачилик корхоналарига мос механизм ишлаб чиқдик (3-расмга қаранг).



3-расм: Инновацион жараённи ривожлантирувчи иқтисодий механизми²

Иқтисодий механизмда кластерлар тизимида инновацион жараёнларни ривожлантиришда банк-кредит тизими алоҳида ўрин тутади. Назаримизда, банк томонидан инновацион ривожланишни такомиллаштиришда ислом банк тизими жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Банк тизими ўз кредитлари ликвидлигини таъминлашда берилаётган лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашдаги иштироки ва назоратини кучайтириши лозим. Яъни, банк тизими кредитга қўйилаётган фоиз эмас, балки капиталнинг самарадорлигига қараб, олинаётган фойдага улушдор бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу борада давлат-хусусий шерикчилик тизимидан кенг фойдаланиш ҳам синергия самарадорлигига эришишни таъминлайди.

Бошқача қилиб айтганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳамкорларининг иқтисодий эҳтиёжлари, манфаатларидан келиб чиқиб инновацион фаолият якунида қўшилган қиймат шаклланиши, рақобатдош маҳсулот ёки хизмат яратилиши, моддий харажатлар улушини камайитириш имконини беради.

² Муаллиф ишланмаси

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегияси 11.09.2023 ПФ-158 сонли Фармони. <https://uza.uz/posts/562124>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12.02.2019 ПҚ-4186 сонли қарори.
3. www.stat.uz
4. Портер М. Международная конкуренция. Конкурентные преимущества стран. /Пер. с англ. -М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки. Т. I-II. /Пер. с англ. -М.: Прогресс, 1993.
6. Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. -Т.: ТГЭУ, 2006.
7. Абдиева Д.А. Маркетинг ёндашувлари асосида тикув-трикотаж корхоналари экспорт салоҳиятини ошириш. 08.00.11-Маркетинг ихтисослиги PhD дисс.автореферати. -Т.: ТДИУ, 2021.
8. Юсупов У.Ш. Тикув-трикотаж корхоналарида инновацион жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш. 08.00.13-Менежмент ихтисослиги PhD дисс.автореферати. -Т.: ТДИУ, 2021.
9. Давлятов Б.А. Саноатни ривожлантиришда пахта-тўқимачилик корхоналарини кластерлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш. 08.00.03 - Саноат иқтисодиёти ихтисослиги PhD дисс.автореферати. -Т.: ТДТУ, 2023.
10. Гиязова Н.Б. Тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришда рақобат стратегиясидан фойдаланишни такомиллаштириш. 08.00.11-Маркетинг ихтисослиги PhD дисс.автореферати. -Т.: ТДИУ, 2023.
11. Хакимов З.А. Тўқимачилик кластерлари методологиясини такомиллаштириш. -DSc автореферати. -Т.: ТДИУ, 2023.



MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOIIY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA
JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE
DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛеной" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-
ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	4
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO	9
Шахзод Сайдуллаев	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	11
Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари	14
Икрамов Мақсад Муратович	

Jurnal sayti: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Ingliz tili muharriri: Feruz Hakimov

Musahhih: Xondamir Ismoilov

Sahifalovchi va dizayner: Iskandar Islomov

2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77)

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77) telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: №046523. PNFL: 30407832680027

Manzirimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



Jurnalning ilmiyligi:

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi rayosatining 2023-yil 1-apreldagi 336/3-sonli qarori bilan ro'yxatdan o'tkazilgan.